

ХОЗИРГИ ХАРАКАТ — ХОСИЛГА БАРАКАТ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чқиши.

№ 111 (4358).

5

И Ю Н Ъ

ЖУМА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

ЗУЛПОН ЖУЛДИБОВЕВ бош-
лик бригада деҳқонлари Оққўр-
гон районидagi «Москва» кол-
хозининг пешқадамларидан са-
налади. Улар ўзларига қарашли
майdonлардаги қўзаларни си-
фатли парваршлаб, юқори ҳо-
сил кўтариш учун ҳаранат қил-
моқдалар. Пахтакорларнинг бу
йилги аҳди ҳар гектар ердаи
36 центнердан ҳосил кўтаришга
қаратилган. Суратда: бригада-
нинг тажрибали сувчиси Райим-
жон Хатазов эгاتларга сув та-
рамоқда.

Қ. Рознқов фотоси.
(ЎТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-9» парвози давом этмоқда

3 июнда Москва вақти билан соат 18 дан 24 минут ўтганда
«Союз-9» космик кемаси Ер теварагидан 30 марта айланиб ўт-
ди. Космонавтар Николайев ва Севастьянов учинчи кун учин
илмий-техникавий экспериментлари ва тадқиқотлари програм-
масини бажармоқдалар.

Космонавтарнинг навбатдаги иш куни Москва вақти билан
соат 14 да бошланди. Космонавтар яхши дам олишди ва уй-
дан сўнг жисмоний машқлар комплексини бажаришди. Андрей
Григорьевич ва Виталий Иванович орбита бўлисидида маза қи-
либ соқол-мулоҳ олишди ва новушта қилишди. Нонуштада
исси кофе, бутерброд ва сиқма идишга солинган овқат бор эди.
Нонуштадан сўнг космонавтар программаларини ҳамда кемани
бошқариш операцияларини бажаришга киришди. 29-айла-
нида икки хил медицина эксперименти ўтказилди, жумладан,
артерия қўи томири босқининг катталиги жисмоний ҳаракат-
гача ва ушандан кейин ҳамда турли иш операцияларини бажар-
ишда ўзгариш. Артериал босим даражаси тонометр ёрдами
билан белгиланди. Айни маҳалда юрак урилиш ва нафас олиш
миқдори саналди. Доалаган жисмоний ҳаракат учун эсанилар
ишлатилди ва кўз билан назорат қилинди. Эксперимент ўткази-
лиш процессида космонавтардан бири киносурагга олиб тур-
гани ҳолда, иккинчиси эсаниларни 10 килограмм чамаси куч
билан минутига 30 мартадан чўшиб турди. Бундан ташқари ко-
монавтар асбоблар билан ишлаш чоғида кўриш апаратининг
контрас сезгирлиги ўзгаришини текширдилар.

Борт инженер Севастьянов кема экватор районида учатган
пайтда «Ердаги бир неча ўлчаш пунктлари билан қисқа тўлқин-
ларда радиоалоқа боғлаш бўйича экспериментлар ўтказди.

Кема экипажи «Союз» кемасини пратган олимлар, конструкторлар,
инженерлар ва ишчиларга, ҳамма кишиларга қизғин
табрик сўзлари йўладди.

Телеметрик маълумотларга кўра Николаевнинг юрак қисқариш
частотаси минутига 69 марта; Севастьяновники эса 62 мар-
тадир. Ҳар иккала космонавт минутига 12 мартадан нафас олиб
турибди.

4 июнь Москва вақти билан соат 6 дан 20 минут ўтганда
«Союз-9» космик кемаси Ер теварагидан 38 марта айланиб ўт-
ди.

Учинчи кун учин программасига мувофиқ космонавтар
Николаев ва Севастьянов осмон ёриқчиликларини кузатдилар ва
кема ичидagi оптик воситалар ёрдамида астронавигация соҳаси-
да экспериментлар ўтказдилар. Ер юзидagi айрим районлар-
нинг рельефини кузатдилар. Космонавтар вестибул апарат-
нинг пазисизлик шароитларидаги сезгирлигини тадқиқ этганига
доир ишларни ҳам бажардилар.

Экипаж юборган маълумотларга ҳамда телеметрик ўлчаш
маълумотларига кўра, кема ичидagi системалар нормал тарзда
ишлаб турибди. Николаев ва Севастьянов ўртоқлар ўзларини
яхши ҳис қилишяпти, кайфиятлари эса аъло даражададир.
Экипаж юксак даражада иш қобилиятини сақлаб бормоқда.
Кема бўлмаларидаги гигиеник параметрлар белгиланган че-
рада турибди.

Экипаж навбатдаги учин кунин программасини бажарган,
соғлиқни медицина назоратидан ўтказди, ва хордиқ ниқаргани
орбита бўлисидида ўтди.

Кема Москва вақти билан соат 15 дан 30 минут ўтгунгача
Совет Иттифоқи территориясида ерда жойлашган ўлчаш пунктла-
ри билан радио орқали алоқа қилиш мумкин бўлган зонадан
ташқарида бўлади.



ПАХТАКОРЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИ

Кеча Оққўргонда область пахтакорларининг кенгаши бўлиб
ўтди. Кенгаш ишида колхозларнинг раислари, совхоз директор-
лари, бригада бошлиқлари, хўжаликлар партия ташкилотлари-
нинг секретарлари, район кишлққ хўжалик бошқармалари ва
сугориш системаларининг бошлиқлари, тайёрлов инспекторла-
ри, район партия комитетларининг секретарлари ва район иж-
роия комитетларининг раислари, район комсомол комитетлари-
нинг секретарлари иштирок этдилар.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари
М. М. Мусахонов очди.

Область партия комитетининг секретари З. Х. Хўжаев пах-
тага ишлов беришни кучайтириш ва зиммага олишган социали-
стик мажбуриятларни бажаришни таъминлаш тадбирлари ҳақи-
да доклад қилди.

Область пахтакорларининг кенгашида Оққўргон район пар-
тия комитетининг биринчи секретари С. Тоиров, Янгийўл райо-
нидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Немазов, Оққўргон
районидagi Ҳамид Олимжон номли колхознинг бригада бошлиғи
А. Нурматов, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тектириш ин-
ститутининг директори Н. Манмонов, Ўрта Чирчиқ район иж-
роия комитетининг раиси А. Назаров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзо-
лигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-
нинг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари гўза парваршишни кучайтириш ва
юбилей йилида олишган социалистик мажбуриятларни бажариш
юзасидан конкрет тадбирлар белгиландилар.

ЙИЛЛИК ЖУН ВА ТУХУМ ТОП- ШИРИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Бўстонлик районининг чорва-
дорлари партиянинг XXII съез-
ди қарорларини амалда тўтиб
қила бориб ва партиянинг
кейинги Пленумларида қўра-
стилган тадбирларни амалда
ошириш учун курашиб, катта
йутуқни қўлга киритдилар.
Район чорвадорлари 206 тонна
жун сотиб, йиллик планни му-
ваффақиятли бажардилар. Шу-
нингдек, тайёрлов пунктларига
пландаги 670 минг ўринга 740
минг 800 дона тухум топшириб,
бу соҳадаги планни ҳам ошириб
бажардилар. Бу муваффақият-
ларни қўлга киритишда қатор
колхозлар муносиб ҳисса қўш-
дилар.

Райондаги Фрунзе номли

колхоз жун тайёрлаш йиллик
планини 136 процент, Карл
Маркс номли колхоз 132 пер-
цент, «Қизилту» колхоз 125
процент бажаришга эришдилар.
Калинин номли колхознинг
товуқбоқарлари йиллик планни
244 процент адо этиб, мўлжал-
дагидан 2,5 марта кўпроқ ту-
хум тайёрладилар. Шунингдек,
Жданов номли колхоз чорва-
дорлари ҳам йиллик планни
103 процент бажариб, район
планига катта ҳисса қўшдилар.
Район чорвадорлари ўз ичи-
даги қўраларини жаллаб кўриб,
планга қўшимча ила 32 тонна
жун ва 350 минг дона тухум
сотиш учун социалистик мажбу-
рият одиллар.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

КРАСНОДАР, 3 июнь. (ТАСС). Бу
ерда Киров сайлов округи сай-
ловчиларининг СССР Олий Со-
вети Миллатлар Совети депу-
татлигига номзод, КПСС Мар-
казий Комитети Сийёсий Бюро-
сининг аъзоси, КПСС Марказий
Комитети ҳузуридаги Партия
контроли Комитетининг раиси
Андрей Янович ПЕЛЬШЕ билан
учрашув бўлиб ўтди.

РИГА, 3 июнь. (ТАСС). Бу
ерда Киров сайлов округи сай-
ловчиларининг СССР Олий Со-
вети Миллатлар Совети депу-
татлигига номзод, КПСС Мар-
казий Комитети Сийёсий Бюро-
сининг аъзоси, КПСС Марказий
Комитети ҳузуридаги Партия
контроли Комитетининг раиси
Андрей Янович ПЕЛЬШЕ билан
учрашув бўлиб ўтди.

ШАХТИ. (Ростов области),
3 июнь. (ТАСС). Шахти сайлов
округи сайловчилари СССР
Олий Совети Иттифоқ Совети
депутатлигига номзод, КПСС
Марказий Комитетининг сек-
ретари Михаил Сергеевич СОЛО-
МЕНЦЕВ билан учрашдилар.

ГОРЬКИН, 3 июнь. (ТАСС).
Совет сайлов округи сайловчи-
ларининг А. С. Пушкин номи-
даги шаҳар опера ва балет те-

ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

«Келес» массиви адрларида ол-
тин бошоқлар маъжланиди. Бено-
ён ғаллазорларда комбайнлар
ҳайқирини янграйди. Етилган ҳо-
силни қисқа муддатда ўриб-ячиб
олиш тадбирларини қўраётган
Охунбобоев номли совхоз деҳқон-
лари шу кунларда астойдил меҳ-
нат қилмоқдалар. Ҳозир совхоз-
нинг барча бўлимларида ғалла
ўрими қизғин тус олиб бормоқда.
Беш йилликнинг сўнги йили-
да 1400 тоннадан ортиқ юқори
сифатли ғалла янчишни қўзалаб
иш юритаётган деҳқонлар даст-
лабки гектарлардан мўл ҳосил
ола бошладилар.

Совхоз ғаллакорлари ўрим-йи-
гимга тушгандан олдин бу ишни
ҳар йилдан қисқа муддатда ту-
галлаш тадбирларини белгиллаб
чиқдилар. Хўжаликдаги ҳар бир
бригада, эвено коллективни зим-
мага оширилган мажбуриятлар
олди. Бу азаматлар ўрим-йигимни
20 кунда туғаллаш учун астойдил
меҳнат қилишмоқда.

Ўрим-йигим кун сайин авил
одирдаётган шу кеча-кундузда 10
та комбайн тинишсиз туғилламоқ-
да. 15 та машина ва прицепларда
янчилган дон қабул пунктларига
тўтловсиз етказиб берилаяпти.

Совхоз ғаллакорлари бу йил
дон куришни хирмоиларига ало-
ҳида эътибор бермоқдалар. Хир-
моиларда уруклик учун алоҳида
жой ажратиб қўйилган. Бу ерда
ғаллани тозалаш агрегатлари иш-
лаб турибди.

Ғалла ўрим-йигимида ўз агре-
гатларини умуман ишлатиб ҳар
кун қўшлаб ғалла янчаётган азам-
мат комбайнчилар тайрат ва жа-
сўрат кўрсатмоқдалар. Совхознинг
ака-ука Асамхон ва Холдибой Му-
тахоновлар, шунингдек Бекзод
Сейданов, Маъмур Танабоев ка-
би моҳир комбайнчилари кунига
бункерлардан қўшлаб ғалла тўки-
паяпти.

Янчилган донни ўз вақтида
хирмонга етказиб беришда наму-
нали меҳнат қилаётган илгор шо-
ферлар ҳам оз эмас. Сулаймон
Алқабоев. Ношир Ўрибосаров ка-
би ўз касбининг устаслари кунига
ғалла пунктига 12—15 марта
қатнашмоқдалар.

Хўжаликда ғалла ўрими кон-
вейер усулида ташкил этилган.
Ҳозир ғаллазорларда сомонларни
нес-нобуд қилмай йиғиб олиш
учун 3 та пресс-подборшчи тиниш-
сиз ишламоқда. Ўрилган май-
донларда шугорлаш ишлари ҳам
олиб бориляпти.

А. ҚҶЗИЕВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Юбилей йилнинг муносиб со-
ғалар билан кутиб олиш ва беш
йилликнинг сўнги йилида катта
зафарларни қўлга киритиш
учун курашаётган областимиз-
нинг чорвадорлари давлатга
ярим йиллик жун сотиш плани-
ни муддатидан илгари анча
ошириб бажардилар. Жун қа-
бул қилиш пунктларига планда-
ги 6090 центнер ўринга 7493
центнер жун топшириб яриш
йиллик планни 123 процент ба-
жаришга эришдилар.

Ярим йиллик планни ошириб
бажаришда Бекзод, Бўстонлик,
Калинин, Оржоникидзе, Ўрта
Чирчиқ, Янгийўл, Оққўргон
районлари чорвадорларининг
ҳиссаси катта бўлди.

Областимиз чорвадорлари
йиллик планни муддатидан ил-
гари бажариш ва беш йиллик-
нинг якуланидиган йилида со-
ноатининг бу қимматли хом-
ашёсидан мўлжалдагидан анча
кўпроқ сотиш учун мажбурият
одиллар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИ-
РИШНИНГ ЎРИНИ
ТУҒРИСИДА 4 ИЮНГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент
ҳисобида)

Биринчи ступ—районларнинг номи, иккинчи ступ—бир кунлик усиш, учинчи ступ—мавсум бош- дан бери.		
Оққўргон	1,0	104,5
Янгийўл	0,2	103,6
Калинин	0,4	101,8
Оржоникидзе	2,8	99,2
Ўрта Чирчиқ	2,9	98,5
Бўча	0,2	92,5
Юқори Чирчиқ	2,9	87,4
Бекзод	0,4	80,6
Бўстонлик	5,4	51,2

Область бўйича 1,5 94,5



Ўрта Чирчиқ районининг пиллакорлари пилла топшириш
ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Район колхоз ва совхозлари-
нинг пиллакорлари беш йилликнинг сўнги йилида давлатга
172,3 тонна пилла сотиш мажбуриятини олишган. Кўпчилик хў-
жаликларда давлатга пилла сотиш ишлари яхши кетяпти. Суратда:
Тўйепа пилла куришнинг пунктда пилла қабул қилинмоқда.

А. Мальцев фотоси.

ОРЖОНИКИДЗЕ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Беш йилликнинг сўнги
йилида кишлққ хўжалик экпи-
ларидан мўлжалдагидан кўп-
лаб ҳосил етиштириш, чорвачили-
ни ҳар томонлама ривожланти-
риб, фойда берадиган соҳага
айлантириш учун курашаётган
Оржоникидзе районининг азам-
матлари дастлабки ғалабани
қўлга киритдилар. Улар давлат
пилла қабул қилиш пунктларига
пландаги 121 тонна ўринга 121
тонна 125 килограмм пилла
топшириб, йиллик планни му-
ваффақиятли бажаришга эриш-
дилар.

Район пиллакорларининг бу
йутуғига Киров номи, Ленин
номи, «Коммунист» колхозла-
ри, «Красный водопад», «Қи-
рай» совхозларининг пиллакор-
лари «кумуш тала» тайёрлаш
планини мўлжалдагидан анча
ошириб бажариб, муносиб ҳис-
са қўшдилар.

Айниқса райондаги «Қизил
Ўзбекистон» колхози пиллакор-
ларининг бу зафарга қўшган
улушлари салмоқли бўлди.

Район пиллакорлари «кумуш
тала» сотишни давом эттир-
моқдалар.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Ўрта Чирчиқ районидagi «По-
лярная звезда» ҳамда Энгельс
номли хўжаликлар йиллик пилла
тайёрлаш планини муддатидан
илгари бажарганликлари ҳақида
редакциямизга хабар қилишди.
Энгельс номли колхознинг
«кумуш тала» бунёдкорлари пил-
ла куриш парваршига ҳар то-
монлама ушшоқлик билан тай-
ёргарлик кўрганиклари ва бу
муҳим кампанияни намунали
ўтказганликлари тўғрйли катта
муваффақиятнинг қўлга кирит-
дилар. Тайёрлов пунктига 12
минг ўринга 12100 килограмм

юқори сифатли пилла етказиб
бердилар.
Колхоз бўйича ҳар кунти нурт
уруғидан 53 ўринга 56 килограмм
дан пилла териб олинди. Бу
катта йутуққа Х. Ойназарова, Б.
Зокирова, С. Орзиева каби пил-
лакорлар ҳар кунтидан 80-105
килограммдан пилла териб олиб
муносиб ҳисса қўшдилар. Кол-
хоз пиллакорлари ўз имконият-
ларини ҳисоблаб қиёби йла 800
килограмм пилла топшириш
учун социалистик мажбурият
олишди.
Райондаги йирин хўжалик.

